

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИМДЖАНОВА МАХСУМА МАЖИДОВНА

**ШАХСДА ИНКУЛЬТУРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ
ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии(PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of
Philosophy (PhD) psychological sciences**

Насимджанова Махсума Мажидовна

Шахсада инкультурация жараёнининг этнопсихологик

хусусиятлари3

Насимджанова Махсума Мажидовна

Этнопсихологические особенности процесса инкультурации

личности25

Nasimdjanova Makhsuma Majidovna

Ethnopsychological features of the process of personality

inculturation.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИМДЖАНОВА МАХСУМА МАЖИДОВНА

**ШАХСДА ИНКУЛЬТУРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ
ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/P159 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psi-ik.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самаров Рустам Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Султанова Лилия Зияутдиновна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74/факс:(+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.:(+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 20___ йил «___» _____ кун тарқатилди.
(20___ йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.И.Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, психология фанлари доктори (DSc), доцент

И.И.Рахимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd), доцент

Н.С.Сафаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги глобаллашув даврида ҳар қайси мустақил давлат, ҳар бир халқ ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятлари ва анъаналарини асраб авайлаш масаласига устувор аҳамият қаратмоқда. ЮНЕСКОнинг маданиятлар хилма-хиллиги ҳақидаги умумий декларациясида маданият дунёдаги жамият ёки ижтимоий гуруҳларга тааллуқли маънавий-моддий, интеллектуал-ҳиссий белгилар йиғиндиси сифатида қаралиши, инсонлар ҳаёт тарзи, уларнинг биргаликда яшаш малакаси, қадриятлар тизими, анъаналари ва эътиқодларини ўз ичига олиши зарурлиги, ҳар бир маданиятни ҳурмат қилиш, бағрикенглик ва бирдамлик халқаро тинчлик ҳамда хавфсизлик гарови эканлиги таъкидланган¹. Шу боис шахсда миллий ва умуммиллий қадриятлар, инкультурация жараёнларини этнопсихологик хусусиятларини кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Дунёда шахс, этник маданиятлар компетенцияси тараққиётига хизмат қилувчи жумладан, азалий урф-одатлари, анъаналари, хулқ-атвор меъёрлари, маданий қадриятларини замонавий билимлар билан уйғунлашган ҳолда авлоддан-авлодга етказиш, ўз она тилини сақлаб қолиш, маданиятлар хилма-хиллиги шароитида келажак авлоднинг интеллектуал, эмоционал, ахлоқий-ривожланишини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йуналишида жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган². Мазкур вазифалар ижроси ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ юзага келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат туйғусини болалик пайтидан бошлабоқ шакллантиришнинг ижтимоий ва этнопсихологик механизмларини ишлаб чиқиш заруратини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилини давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни

¹ Юнесконинг маданий хилма-хиллик ҳақидаги умумий Декларацияси. //www.un.org.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. Б.39.

янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инкультурация мавзуси илмий-тадқиқот предмети сифатида XX асрнинг бошларида психология фанида долзарб муаммо сифатида қаралди ва илмий тадқиқотлар предмети сифатида танланиб, ҳозирги кунгача мамлакатимиз ва яқин ҳамда узоқ хориж мамлакатлари ижтимоий психологиясида турли психологик таълим ва концепциялар доирасида ўрганиб келинмоқда. Инсон томонидан ўз халқи маданий кадриятлари, хулқ-атвор меъёрлари, урф-одатлари ва анъаналарини ўзлаштирилишининг аҳамиятини ўрганишга доир тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, San Francisco State University (АҚШ), Institute for Comparative Cultural Studies Philadelphia (АҚШ), Northwestern University of Chicago, (АҚШ), University of Social Psychology (Польша), М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети социал психология кафедраси(Россия), Россия Федерацияси Фанлар академияси Психология институти (Россия), Сибирь Федерал университети (Россия) каби дунёнинг йирик илмий масканларида олиб борилган.

Мамлакатимиз олимларидан Э.Ф.Ғозиев³, В.М.Каримова, Ғ.Б.Шоумаров, Н.С.Сафаев⁴, М.М.Маматов⁵, З.Э.Абдурахмонова⁶, З.А.Расулова томонидан бир қатор ижтимоий-психологик ҳодисаларнинг этнопсихологик қирралари ёритиб берилган.

Узоқ ва яқин хориж олимларидан М.Мид⁷, Р.Бенедикт, М.Херсковиц⁸, Д.Мацумото⁹, М.Вебер, Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, Ю.Хабермас, П.А.Сорокин, Э.Эриксон¹⁰, Дж.Марсия¹¹, Р.Парк инкультурация жараёнига таъсир этувчи ижтимоий-психологик ва психологик омилларни тадқиқ этганлар. А.Е.Супрун, В.Г.Костомаров, А.Д.Швейцер тадқиқотларида инкультурация

³ Ғозиев Э. Психология методологияси. Т., “Ношир”, 2013.-Б.110.

⁴ Сафаев Н.С. Особенности исследований межкультурной коммуникации.//Вестник Омского университета. Серия Психология. 2018., №2.-Б.25-28.

⁵ Маматов М.М. Этнопсихология. Учебно-метод.пособие для студентов. Т. 2008.

⁶ Абдурахмонова З.Э. Миллий бирлик туйғусининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Т.”Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти”.2010.Б.18-20.

⁷ Мид М. Культура и мир детства. М., 1988. С. 214 – 226; С.322 – 361.

⁸ Herskovits M. Cultural Anthropology. N.Y., 1955

⁹ Мацумото Д. Психология и культура: Современные исследования. СПб.: Прайм- Еврознак, 2002.

¹⁰ Эриксон Э. Детство и общество. - СПб.: Ленато. АСТ, Фонд «Университетская книга», 1996 а.- 592с.

¹¹ Marcia J. Identity and Psychotherapy. // Interventions for Adolescent Identity Development. / Edited by Sally L. Archer. Thousand Oaks, CA: Sage, 1994. Pp. 29 – 46

ривожланишига таъсир этувчи омил сифатида икки тиллиликнинг индикаторлик роли ўрганилган. Н.Л.Захарова, Е.Н.Чубрик¹² ишларида инкультурация ва аккумулярация жараёнларининг ёшга оид хусусиятлари аниқланган. Т.Г.Стефаненко¹³, П.Г.Почебут¹⁴, Г.С.Солдатова¹⁵, Н.М.Лебедева¹⁶ тадқиқотларида инкультурация жараёнининг ёш хусусиятлари, ижтимоий-психологик моҳияти очиқ берилган.

Бироқ шунга қарамасдан, инкультурация жараёнининг этнопсихологик хусусиятлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170913120 “Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари” мавзуси доирасида (2018-2021 йй) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахсда инкультурация жараёнининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шахсда инкультурация жараёнини ўрганиш бўйича кроссмаданий тадқиқотларнинг назарий ва амалий муаммоларини таҳлил қилиш;

шахсда инкультурация жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

шахсда инкультурация жараёни кечишидаги этнопсихологик хусусиятларни ўрганиш;

олинган маълумотлар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жами 543 нафар 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган турли миллат вакилларида (284 нафар ўзбеклар, 112 нафар руслар, 72 нафар қозоқлар, 32 нафар корейслар, 43 нафар метислар) иборат бўлди.

Тадқиқотнинг предмети шахсда инкультурация жараёнининг этнопсихологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда контент анализ; муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома; П.Вержеснинг “Ижтимоий тасавурларни ўрганиш” методикаси; Г.Солдатованинг “Маданий қадриятлар дифференциали” методикаси; Дж.Финнининг “Этник идентификацияни ўрганиш” методикасидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

¹² Чубрик Е.О. Русский детский фольклор как средство ранней инкультурации. Автореф. канд. культурологии. Владивосток 2007. 18 б.

¹³ Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. Учебник для высших учебных заведений. М.: Институт психологии РАН, 1999. - 320 с.

¹⁴ Почебут Л. Г. Кросс-культурная и этническая психология: Учебное пособие. — СПб.: Питер. - 2012. — 336 с.

¹⁵ Солдатова Г.У.Толерантность и интолерантность – две грани межэтнического взаимодействия // Век толерантности: научно-публицистический вестник . 2001 .Вып . 1–2 . С . 19–37 .

¹⁶ Лебедева Н.М. Социальная психология аккумулярации этнических групп. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора психологических наук. М., 1997

илк маротаба маҳаллий муҳитда инкультурация жараёни кечишининг этнопсихологик хусусиятлари (этнопсихологик стереотиплар, этник идентикликнинг шаклланганлик даражаси, маданий қадриятлар йўналиши) аниқланган;

ўзбек, рус, қозоқ ва корейс миллати вакилларида инкультурация жараёнига таъсир этувчи ўз халқи маданияти, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, хулқ-атвор меъёрлари ҳақидаги ижтимоий тасаввурларининг тузилмаси (тасаввурлар ядроси ва периферик зоналарига кирувчи категориялар) ва тавсифи (ўз халқи урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини билиш ва баҳолаш хусусиятлари) илмий асосланган;

шахсда инкультурация жараёнининг таркибий қисмларидан бўлган этник айнанликни когнитив, эмоционал, хулқ-атвор компонентларининг ёш, жинс ва ўзбек, рус, қозоқ ҳамда корейс миллати вакилларига хос бўлган миллий хусусиятлари аниқланган;

глобаллашув шароитида ёшларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан сақлашда инкультурация жараёнининг болалик давридани самарали кечишининг роли исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли миллат вакилларида инкультурация жараёнига таъсир этувчи этник идентиклик бўйича муаллифлик ижтимоий-психологик сўровномаси ишлаб чиқилган;

турли миллат вакилларида инкультурация жараёни кечишида халқ оғзаки ижоди намуналари ва оммавий ахборот воситалари манбалари контент таҳлили келтирилган ва уларнинг амалий аҳамияти кўрсатиб берилган;

шахсда инкультурация жараёни муваффақиятли кечишини таъминловчи илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда фойдаланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши, тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методларининг қўллангани, олинган эмпирик натижаларни қайта ишлашда математик-статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилганлиги (Крускал-Уоллис Н-мезони, корреляцион таҳлил) ва миқдорий кўрсаткичларни психологик талқин этишда ишонччилик ҳамда муқаррарликнинг статистик мезонларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертацион тадқиқотни амалга ошириш мобайнида тўпланган ва таҳлил қилинган назарий маълумотлар инкультурация жараёни ҳақида шу кунгача ижтимоий психология ва этнопсихологияда тўпланган назарий маълумотларни янги таҳлилий манбалар билан бойитади

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалардан ёшларни Миллий қадриятларимизга нисбатан хурмат руҳида тарбиялаш, бузғунчи оқимларга кириб кетишининг олдини олиш, оммавий маданият

элементларидан ўзини ўзи химоя қилиш механизмларини таъминлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахсда инкультурация жараёнининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

илк маротаба маҳаллий муҳитда инкультурация жараёни кечишининг этнопсихологик хусусиятлари аниқланганлиги Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ўзбекистон миллий университети ўқув жараёнида “Этнопсихология”, “Ижтимоий психология” ва “Оилавий муносабатлар психологияси” модулига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16-апрелдаги 89-03-1459-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур фанлар мазмуни такомиллаштирилди ва ўқитиш сифати оширилган;

ўзбек, рус, қозоқ ва корейс миллати вакилларида инкультурация жараёнига таъсир этувчи ўз халқи маданияти, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, хулқ-атвор меъёрлари ҳақидаги ижтимоий тасаввурларининг миллий ва маданий тузилмаси ва ижтимоий-психологик тавсифи илмий асосланганлиги натижалари Тошкент давлат педагогика университетининг 16-сон буйруғи билан Психология ўқув-илмий марказининг “Қасб психодиагностикаси ва психокоррекцияси” модули мазмунига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 12 декабрдаги П-М-16-сонли маълумотномаси). Натижада тингловчиларда шахсдаги ўз миллий маданиятига нисбатан мавжуд бўлган ижтимоий тасаввурларининг тузилмаси тўғрисидаги илмий билимлар бойитилган;

шахсда инкультурация жараёнининг таркибий қисмларидан бўлган этник айнанликнинг когнитив ва эмоционал компонентларининг ёш, жинс ва ўзбек, рус, қозоқ ва корейс миллати маданиятига хос бўлган миллий хусусиятлари бўйича олинган натижалар Тошкент давлат педагогика университетининг 16-сонли буйруғи билан Психология ўқув-илмий маркази “Қасб психологияси” модули мазмунига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 12 декабрдаги П-М-16-сонли маълумотномаси). Натижада бу психолог кадрлар тайёрлаш ўқув курсида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

глобаллашув шароитида ёшларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан сақлашда инкультурация жараёнини болалик давридан самарали кечишини белгилаб бериши ҳақидаги маълумотлар Тошкент давлат педагогика университетининг 16-сонли буйруғи билан Психология ўқув-илмий марказининг “Шахслараро муносабатлар психологияси” модули мазмунига сингдирилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 12 декабрдаги П-М-16-сонли маълумотномаси). Натижада бу соҳа вакиллари учун оммавий маданият таъсиридан сақланиш кўникмаларини шакллантириш ишларининг илмий-методик таъминотини кучайтирилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтказилиши. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича журналларда 6 та илмий мақола, шулардан 1 таси хориж нашрларида, 5 та ОАК тасарруфидаги журналларда эълон қилинган. Халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларда 14 та тезис чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 142 бет бўлиб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати 200 та номдаги илмий нашрларни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати; тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги асосланган, диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги очиб берилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги баён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг биринчи боби **“Этнопсихологияда ижтимоийлашув ва инкультурация муаммоларининг назарий асослари”** деб номланиб, унда инкультурация жараёни ва унинг этнопсихологик хусусиятларининг илмий-методологик ва амалий асосларини ўрганишга ёндашувлар таҳлил қилинган. Шу ўринда жаҳон психологиясида “ижтимоийлашув” ва “инкультурация” атамаларининг олимлар томонидан келтирилган ўхшаш ва тафовутли томонларини таҳлил қилишга оид маълумотлар келтирилган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари асарларига мурожаат қилсак, уларда инсон камолотини таъминловчи маънавий йўл-йўриқлар, таълимий-ахлоқий қарашлар баён этилиб, ҳар бир халқ маданиятининг инсон ҳаётидаги ўрни ва азалий кадриятларни авлоддан-авлодга етказиш зарурлиги таъкидланганлигини кўрамиз. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Саъдий, Алишер Навоийнинг асарларида инсоният ҳаёти давомида кадрланиб келаётган яхшилик, дўстлик, тинчлик, тенглик, эркинлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ота-она, кексаларга ҳурмат, устоз-шоғирдлик каби миллий ва умуминсоний кадриятлар, инсонга ўз халқи маданияти, кадриятларини болалигидан сингдириш зарурлиги тўғрисидаги муҳим ғоялар ўз ифодасини топган. Шахснинг ўз маданиятига кириб бориш жараёни, яъни инкультурация феноменининг назарий-методологик таҳлили маданиятшунослар, файласуфлар, социологлар билан бир қаторда психологлар ишларида ўз аксини топган. Узоқ ва яқин хориж олимларидан

М.Мид, Р.Бенедикт, М.Херсковиц, Д.Мацумото, М.Вебер, Э.Дюкгейм, Т.Парсонс, Ю.Хабермас, П.А.Сорокин, Э.Эрикссон, Дж.Марсия, Р.Парк, А.Е.Супрун, В.Г.Костомаров, А.Д.Швейцер тадқиқотларида инкультурация ривожланишига таъсир этувчи омиллар чуқур таҳлил этилган. Н.Л.Захарова, Е.Н.Чубрик ишларида инкультурация ва аккумуляция жараёнларининг ёшга оид хусусиятлари аниқланган. Т.Г.Стефаненко, П.Г.Почебут, Г.С.Солдатова, Н.М.Лебедева тадқиқотларида инкультурация жараёнининг ёш хусусиятлари, ижтимоий-психологик моҳияти очиб берилган.

Ўзбек олимларидан Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Н.С.Сафаев, М.М.Маматов, Р.С.Самаров, Р.Душанов, Д.К.Арапбаева, Ф.Абдурахмонов, З.Э.Абдурахмонова ва бошқалар тадқиқотларида ўзбек ва бошқа миллат вакилларининг индивидуал-типологик хусусиятлари, қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари қиёсий таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотларда таълим-тарбия жараёнида ёш авлод онгида ўз халқи маданиятига хурматни шакллантириш, қадрдон маданиятда мавжуд азалий урф-одатлар, анъана ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш масалалари кенг ёритилган. Шу билан бир қаторда адабиётлар таҳлили инкультурация жараёнини ўрганишда кроссмаданий тадқиқотлар тўлиқ олиб борилмаганлиги, мазкур жараённинг замонавий интеграциялашиш даврида кечиш хусусиятлари очиб берилмаганлигини кўрсатди.


“Шахс инкультурациясининг этнопсихологик жабҳалари” деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида тадқиқотнинг методологик муаммолари ва тадқиқотда қўлланилган методикалар тавсифи келтирилган. Ушбу бобда шунингдек, тадқиқотнинг ташкил этилиши баён қилинган ҳамда контент-анализ ва ижтимоий-психологик сўровнома методларининг натижалари таҳлил этилган. Контент анализ методидан фойдаланган ҳолда ўзбек, рус ва қозоқ халқ мақолларида ушбу халқлар қадриятлари, урф-одат ва анъаналарининг акс эттирилиши таҳлил қилинган. Бунда ҳар бир халқ ижодиётига мансуб мақоллардан 125 таси таҳлил этилган. Мақолларни танлаш тасодифий танлама асосида амалга оширилди. Ушбу метод орқали болаларда инкультурация жараёнида маълум маданиятга хос хусусиятларни шакллантиришда мақолларнинг роли ўрганилган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаланилган. Сўровномадаги “Мамлакатимизда маданиятлар ва тиллар хилма-хиллиги учун кенг имкониятлар мавжуд, деб ҳисоблайсизми?” деган саволга 83,4% ўзбеклар “ҳа” жавобини бердилар. Ўзбек респондентларининг 7,2%и “йўқ” жавобини берганлар. Бошқа миллат вакилларининг жавобларига назар ташласак, қуйидагиларни қайд қилишимиз мумкин: мос равишда русларнинг 72,3%и, қозоқларнинг 72,2%и ҳамда корейс миллати вакилларининг 70%дан ортиғи “ҳа” жавобини берганлар (1-расм):




1-расм. “Мамлакатимизда маданиятлар ва тиллар хилма-хиллиги учун кенг имкониятлар мавжуд, деб ҳисоблайсизми?” деган саволга респондентлар жавоблари (% ҳисобида)

“Маданий нормаларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизни ташқаридан бўладиган таъсирлардан сақлаш учун чора кўриш лозим деб ҳисоблайсизми?” саволига ўзбекларнинг 62,5%, русларнинг 56,3%, корейс миллати вакиллари 52,3%и “ҳа” жавобини берганлар. “Ҳа” жавоби энг юқори кўрсаткичи бу саволга қозоқларда қайд қилинди – 94,4%.



2-расм. Маданий нормаларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизни ташқаридан бўладиган таъсирлардан сақлаш учун чора кўриш лозим деб ҳисоблайсизми?


Сўровноманинг кейинги “Сизнинг фикрингизча, миллий маданиятингизни асраш учун қандай омиллар муҳим ҳисобланади?” саволига жавоблар таҳлили турли миллат вакилларида турли қарашлар мавжудлигини кўрсатди(3-расм):



3-расм. “Сизнинг фикрингизча, миллий маданиятингизни асраш учун қандай омиллар муҳим ҳисобланади?” саволига турли миллат вакиллари янги жавоблари

Юқоридаги расмда берилган натижалардан кўриниб турибдики ўзбек миллати вакиллари ўз миллий маданиятларини асрашда таълим–тарбия ва ёшларни тарбиялаш каби омилларга юқори ўрин берганлар. Қозоқ миллати вакиллари эса тилни сақлаб қолишни муҳим омил, деб ҳисоблаганлар. Руслар ва корейсларда ҳам катта авлоддан ўрнак олиш, ўқитиш ва тарбиялаш омиллари билан боғлиқ жавоблар устунлик қилган.

“Сизнинг миллатингизга хос қандай урф-одатлар, хулқ-атвор шакллари Сизга ёқмайди ва улардан халос бўлиш керак, деб ҳисоблайсиз” саволига респондентларнинг берган жавоблари қуйидагича бўлди(4-расм):



4-расм. “Сизнинг миллатингизга хос қандай урф-одатлар, хулқ-атвор шакллари Сизга ёқмайди ва улардан халос бўлиш керак, деб ҳисоблайсиз” саволига респондентларнинг берган жавоблари (% ҳисобида)

Расмдан кўриниб турибдики, ўзбек миллати вакиллари асосан дабдабозликдан, ирим-сиримларга ишонишдан, аёлга ожиза сифатида қарашдан воз кечишни таклиф этганлар. Рус миллати вакиллари янги 84,8% ида ҳеч қандай ўзгариш керак эмаслиги белгиланган. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, русларнинг турмуш тарзи ўзбекларникидан эркинроқ. Корейс миллати вакилларида ҳам худди шундай ҳолатни учратиш мумкин.

Ўзбекларда сўнгги йилларда турли маросимларнинг дабдаба билан ташкил этилиши ва бу ҳолатларнинг барча ҳудудларга тарқалиши, баъзи оилаларнинг иқтисодий аҳволини оғирлаштириб қўяётгани, бу ҳолатлар инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсир кўрсатаётгани, қолаверса баъзи вазиятларда ёшлар тақдирини ҳам ҳал қилаётгани респондентлар томонидан ачинарли ҳолат сифатида баҳоланган. Қозоқ миллати вакиллари 50%и мавжуд урф-одат ва анъаналарни, хулқ-атвор шакллари ўзгартиришга ҳожат йўқлигини таъкидлаганлар. 34,9% қозоқлар (асосан ёшлар) қиз олиб қочиш удумини йўқотиш лозимлигини айтиб ўтганлар

Диссертациянинг “**Шахса инкультурация жараёнига таъсир кўрсатувчи омилар таҳлили**” деб номланган **учинчи бобида** муаллиф томонидан ўтказилган эмпирик тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Шахса инкультурация жараёнининг этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш учун ўз маданияти ҳақидаги ижтимоий тасаввурлар тузилмаси ва унинг хусусиятлари аниқланган. Ижтимоий тасаввурлар тузилмасини аниқлаш учун П.Вержес методикасини қўлланилган. Мазкур методикага кўра ўрганилаётган муаммо бўйича ассоциациялар категориал таҳлил қилинган.

Ўзбек гуруҳида П.Вержес методикаси бўйича олинган натижалар қуйидагича:

1-жадвал

Ўзбек миллати вакилларида Вержес методикаси бўйича олинган натижалар

	Тушунчанинг паст ранги (<ўртача рангдан)	Тушунчанинг юқори ранги (>=ўртача рангдан)
Тушунчанинг юқори частотаси (>=частота медианасидан)	Ота-онага ҳурмат, миллий кийимлар (атлас, адрас, дўппи), миллий таомлар (палов)	Маҳалла, пахта, чойхона, сумалак, самимийлик, меҳмондўстлик, ибо-ҳаё, бағрикенглик, сарпо, эрталабки ош, кенг дала
Тушунчанинг паст частотаси (< частота медианасидан)	Байрамлар (тўй, Наврўз, Ҳайит байрамлари)	Қуда-андачилик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, миллий ўйинлар, хашар, узун ўрилган соч, совчилик.

Ўзбек миллати вакилларида иборат бўлган гуруҳида ўз маданияти ҳақидаги тасаввурлар ядросида ота-онага ҳурмат, миллий кийимлар (атлас, адрас, дўппи), миллий таомлар (ош) тушунчалари турибти. 2-3 соҳада эса, яъни ижтимоий тасаввурларнинг яқин периферик зонасида байрамлар билан боғлиқ маросимлар—тўй, Наврўз байрами, Ҳайит байрамлари ҳамда маҳалла, пахта, чойхона, сумалак, самимийлик, меҳмондўстлик, ибо-ҳаё, бағрикенглик, сарпо, эрталабки ош, кенг дала тушунчалари ўрин эгаллаган. Шунингдек, ижтимоий тасаввурларнинг узоқ перифериясига қуда-андачилик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, миллий ўйинлар, хашар, узун ўрилган соч, совчилик тушунчалари киритилган.

Рус миллати вакилларида ўз маданиятлари билан боғлиқ ижтимоий тасаввурлар структураси қуйидагича кўринишга эга бўлди:

2-жадвал

Рус миллати вакилларида Вержес методикаси бўйича олинган натижалар

	Тушунчанинг паст ранги (<ўртача рангдан)	Тушунчанинг юқори ранги (>=ўртача рангдан)
Тушунчанинг юқори частотаси (>=частота медианасидан)	Рождество, пасха, кулич, ота-онага хурмат	Меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, борш, анъаналарни хурмат қилиш, шапка-ушанка
Тушунчанинг паст частотаси (< частота медианасидан)	Нон ва туз, балалайка, масленница, черковда никоҳ ўқитиш, меҳрли қалб, зиёлилик, чиройли қўшиқлар	Православ, ароқ, хороовод, сарафан, дангасалик, ғурур

Кўриб турганимиздек, русларнинг ҳам ўз кадрдон маданиятлари ҳақидаги тасаввурлари миллий байрамлар, маросимлар, миллий таомлар билан боғлиқ бўлиб, буларнинг ҳаммаси оилада шакллантирилади. Бу гуруҳда ҳам ота-онага хурмат ижтимоий тасаввурлар ядросидан ўрин эгаллаган. Қозоқ миллати вакиллариининг ижтимоий тасаввурлари структурасини ўрганиш ҳам қизиқарли манзарани шаклланиши билан кузатилди.

3-жадвал

Қозоқ миллати вакилларида Вержес методикаси бўйича олинган натижалар

	Тушунчанинг паст ранги (<ўртача рангдан)	Тушунчанинг юқори ранги (>=ўртача рангдан)
Тушунчанинг юқори частотаси (>=частота медианасидан)	Катталарга хурмат, ота-она, бешбармоқ, дўмбира	«Беташар», «Ата джтур», меҳр-оқибат, чидамлилиқ, бағрикенглик, меҳмондўстлик
Тушунчанинг паст частотаси (< частота медианасидан)	«Қиз узату», суннат тўй, «сирға солу», «саукеле», миллий нақшлар.	Кенг дала, ўтов, қимиз

Қардош қозоқ халқининг миллий урф-одатлари ва анъаналари ҳам ўзбекларникига ўхшаб кетади ҳамда биринчи навбатда ота-онага ва умуман катталарга бўлган хурмат, миллий таомлар, миллий маросимлар билан боғлиқ.

Ота-онаси турли миллат вакиллари бўлган шахслар (метислар)нинг кадрдон маданият ҳақидаги ижтимоий тасаввурларини ўрганиш натижасида қуйидаги тузилмага эга бўлинди:

Ота-онаси турли миллат вакиллари бўлган шахсларда Вержес методикаси бўйича олинган натижалар

	Тушунчанинг паст ранги (<ўртача рангдан)	Тушунчанинг юқори ранги (>=ўртача рангдан)
Тушунчанинг юқори частотаси (>=частота медианасидан)	ғалати урф-одатлар, кариндошлар	Чак-чак, сабантуй, учпучмак, бияши, қўшиқлар, оила муқаддаслиги
Тушунчанинг паст частотаси (< частота медианасидан)	Катталарни ҳурмат қилиш, эрталабки ош, ҳалоллик, хотиржамлик, самимийлик	Номаълумлик, масленница, борш, храм, кулич, балалайка

Жадвалдан кўришиб турибдики, ота-оналари турли миллат вакиллари бўлган шахсларда ўз маданияти ҳақидаги тасаввурлар турли-туман, беқарор ва бир нечта маданият элементларини ўз ичига олади. Биз билан суҳбатда мазкур шахслар аслида қайси миллат урф-одатларига риоя қилишни билмасликлари, ҳам ота, ҳам она миллат маданияти ҳақида юзаки маълумотга эга эканликларини айтдилар.

Миллати ўзбек, бироқ доимий рус тилида сўзлашадиган ўзбекларнинг Вержес методикаси бўйича натижалари қуйидагича бўлди:

Миллати ўзбек, рус тилида сўзлашадиган ўзбекларнинг Вержес методикаси бўйича натижалари

	Тушунчанинг паст ранги (<ўртача рангдан)	Тушунчанинг юқори ранги (>=ўртача рангдан)
Тушунчанинг юқори частотаси (>=частота медианасидан)	Меҳмондўстлик, келин салом, палов, тўй	Сарпо, гап, самимийлик, стереотиплар
Тушунчанинг паст частотаси (< частота медианасидан)	Ота-онага ҳурмат, дўппи, чойхона, эрталабки ош	Индивидуалликнинг бостирилиши, бўйсунуш, қўрқоқлик, ғийбат

Жадвалдан кўришиб турибдики, ушбу гуруҳда ҳам кадрдон маданияти ҳақидаги ижтимоий тасаввурлар беқарор кўринишга эга. Тасаввурлар ядросида меҳмондўстлик, келин салом, палов, тўй тушунчаларининг жойлашуви оилада рус тилида сўзлашилсада, миллий урф-одат ва анъаналар яхши сақланиб қолишидан дарак беради. 2-3 зоналарга, яъни яқин периферик зонага ота-онага ҳурмат, дўппи, чойхона, эрталабки ош, сарпо, гап, самимийлик, стереотиплар тушунчаларининг киритилган. Бироқ узок периферик зонага, яъни 4-соҳада ўз маданияти билан боғлиқ индивидуалликнинг бостирилиши, бўйсунуш, қўрқоқлик, ғийбат каби салбий тасаввурлар ҳам ўрин олган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида турли миллат вакилларида этник идентиклик тузилмавий компонентлари ўрганилган. Бунинг учун Дж. Финнининг этник идентификацияни ўрганиш методикасидан фойдаланилган.

6-жадвал

**Турли миллат вакилларида этник идентиклик кўрсаткичларининг
Крускал-Уоллис мезони бўйича қиёсий таҳлили**

Кўрсаткичлар	миллат	N	Ўртача ранг	t	p
Умумий шкала	ўзбек	307	247,32	23,675	0,000
	рус	112	218,10		
	қозоқ	72	318,34		
Когнитив компонент	ўзбек	307	264,21	42,313	0,000
	рус	112	181,15		
	қозоқ	72	309,62		
Аффектив компонент	ўзбек	307	259,70	40,883	0,000
	рус	112	186,37		
	қозоқ	72	317,33		

Жадвалдан кўриб турганимиздек, этник идентикликнинг когнитив компоненти кўрсаткичлари қозоқ миллати вакилларида юқори кўрсаткичга эга бўлиб, рус ва ўзбек миллати вакилларида ишончли даражадаги тафовутга эга ($p < 0,001$).

Этник идентикликнинг аффектив компоненти кўрсаткичлари бўйича ҳам қозоқлар ўзбек ва рус миллати вакилларида ишончли даражада фарқланадилар ($p < 0,001$).

Тадқиқотнинг кейинги босқичида Г.Солдатова томонидан ишлаб чиқилган “Маданий қадриятлар дифференциали” методикаси бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Ўзбек миллати вакиллари ўртасида ўтказилган тадқиқотлар бўйича қуйидаги натижалар олинган:

7-жадвал

**“Маданий қадриятлар дифференциали” методикаси бўйича ўзбек
гурухида олинган натижалар**

Кўрсаткичлар	Ўртача қиймат	min	max	Стандарт оғиш
Гуруҳга йўналганлик–ўз ўзига йўналганлик	10,54	6	15	1,868
Ўзгаришларга очиқлик–ўзгаришларга ёпиқлик	5,16	2	14	1,385
Келажакка йўналганлик	10,84	5	17	2,114
Ўзаро таъсирга берилиш–ўзаро таъсирдан қочиш	15,87	8	22	2,903
Кучли ижтимоий назорат–заиф ижтимоий назорат	15,22	9	22	2,472

“Гуруҳга йўналганлик–ўз ўзига йўналганлик” кўрсаткичи гуруҳий бир-бирини қўллаб-қувватлаш, гуруҳга бўйсунуш, анъаналарга содиқлик диапазонида қараб чиқилади, бу кўрсаткич бўйича ўртача қиймат 10,54 га тенглигини жадвалдан кўриб турибмиз. Ўзбек миллати вакилларида ўз этник

гуруҳини қабул қилиш, унинг анъана ва урф-одатларига бўйсунуш ва амал қилиш ҳамда уларга содиқлик юқори эканлиги маълум бўлди. “Ўзгаришларга очиқлик–ўзгаришларга ёпиқлик” кўрсаткичи нисбатан паст бўлиб, 5,16 га тенг бўлди.

Рус гуруҳи натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган:

8-жадвал

“Маданий қадриятлар дифференциали” методикаси бўйича рус гуруҳида олинган натижалар

Кўрсаткичлар	Ўртача қиймат	min	max	Стандарт оғиш
Гуруҳга йўналганлик–ўз ўзига йўналганлик	11,40	6	17	2,393
Ўзгаришларга очиқлик–ўзгаришларга ёпиқлик	4,50	2	14	1,396
Келажакка йўналганлик	11,08	5	18	2,79
Ўзаро таъсирга берилиш–ўзаро таъсирдан қочиш	16,02	8	20	2,212
Кучли ижтимоий назорат-заиф ижтимоий назорат	14,74	10	21	2,08

Руслар ҳам ўз этник гуруҳларини жипслашган, бир-бирларини қўллаб-қувватловчи сифатида баҳолаб, анъаналарга содиқ, келажакка интилувчан, бошқалар билан ўзаро таъсирга киришувчан ижтимоий гуруҳ сифатида баҳолаганлар.

Қозоқ миллати вакилларида олинган маълумотлар ушбу этник гуруҳнинг аъзоларида ўз маданий қадриятларидан келажакка интилиш, бошқа маданият вакиллари билан ўзаро таъсирга кириша олиш, анъаналарга содиқлик, толерантлик, эришиш мотивациясининг юқорилиги, жамиятдаги қонунларни ҳурмат қилиш каби ижобий хислатларнинг эътироф этилишини кўрсатди.

9-жадвал

“Маданий қадриятлар дифференциали” методикаси бўйича қозоқ гуруҳида олинган натижалар

Кўрсаткичлар	Ўртача қиймат	min	max	Стандарт оғиш
Гуруҳга йўналганлик–ўз ўзига йўналганлик	10,82	9	12	0,775
Ўзгаришларга очиқлик–ўзгаришларга ёпиқлик	5,36	2	8	1,5
Келажакка йўналганлик	12,49	8	16	2,156
Ўзаро таъсирга берилиш–ўзаро таъсирдан қочиш	17,04	14	21	1,939
Кучли ижтимоий назорат-заиф ижтимоий назорат	16,33	12	20	2,169

Ота-онаси турли миллат вакиллари ҳисобланган шахслар гуруҳида ушбу методика натижалари қуйидагича кўринишга эга бўлди(жадвал)

10-жадвал**“Маданий кадриятлар дифференциали” методикаси бўйича метислар гуруҳида олинган натижалар**

Кўрсаткичлар	Ўртача қиймат	min	max	Стандарт оғиш
Гуруҳга йўналганлик–ўз ўзига йўналганлик	10,21	6	16	2,178
Ўзгаришларга очиқлик–ўзгаришларга ёпиқлик	5,62	2	14	1,842
Келажакка йўналганлик	11,11	5	17	2,45
Ўзаро таъсирга берилиш-ўзаро таъсирдан қочиш	15,92	8	20	2,659
Кучли ижтимоий назорат-заиф ижтимоий назорат	14,85	10	19	2,179

Мазкур гуруҳда ҳам ўзгаришларга очиқликнинг паст даражаси қайд қилинди, яъни унинг ўртача қиймати 5,62ни ташкил этди. “Келажакка йўналганлик”, “Ўзаро таъсирга берилиш-ўзаро таъсирдан қочиш”, “Кучли ижтимоий назорат-заиф ижтимоий назорат” кўрсаткичлари бўйича ўртача қиймат мос равишда 11,11, 15,92 ва 14,85ни ташкил қилди.

